45

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 121 (5412).
30 МАЙ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Пойтахт индустрияси рапорти

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

БУГУН

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари мусобақада муҳим маррани эгалладилар: маҳсулот реализация қилиш ва халқ хўжалиги буюмлари аксарият асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик план муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Акмал Икромов, Октябрь, Чилонзор ва бошқа районларнинг саноат корхоналари товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича январь-май ойлари топшириғини шаҳарда биринчилар қаторида бажардилар.

Ой охирига қадар мамлакат ва республика халқ хўжалигига июнь ойи шартнома мажбуриятлари ҳисобидан қўшимча бир неча миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, приборсозлик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат маҳсулотлари етказиб берилади.

Республика пойтахтининг ишлаб чиқариш коллективлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумларининг қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, социалистик мусобақа самарадорлигини оширишмоқда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ПИОНЕР ЁЗИ ЧОРЛАЙДИ



Мактаб қўнғироқлари охирги марта жаранглаб, дарсликлар ва дафтарлар портфеллардан китоб жавонларига «кўчиб ўтди»—мактаб ўқувчиларининг орзиқиб кутилган ёзги каникули бошланди. Болаларнинг кўзларида қувонч: «Лагерга борамиз!» дейишяпти.

Бу йил шаҳар атрофидаги 64 та лагерда 70 мингдан зиёд ўқувчи дам олади. Шу жумладан, санаторий типидаги лагерларда 16510, шаҳардаги 11 та лагерда 34 минг ўқувчи бўлади.

— Ёзги дам олишни ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг доимий эътибори остида турибди, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Л. М. Горячева. — Лагерлар малакали педагог кадрлар, тарбиячилар, тўгаракларнинг раҳбарлари билан таъминланди. Пионерлар ишлари ташкилотчилари учун семинарлар ўтказилди. Болалар билан ишлашда асосий эътибор КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини пропаганда қилишга қаратилади. Тарбиявий иш ёш ленинчиларнинг Бутуниттифоқ маршн, Москвада ўтказилдиган XII Жаҳон ёшлар фестивали, В. И. Ленин номи пионер ва комсомол ташкилотчига берилганлигининг 60 йиллиги, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги йўналишларн бўйича олиб борилади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарордан келиб чиқиб ўқувчиларни маънавий, меҳнат, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва жисмоний чиниқтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бутун ёз давомида 43 та меҳнат ва дам олиш лагерида 12 минг юқори синф ўқувчиси бўлади. Улар колхозлар ва совхозларнинг далаларида меҳнат ва ҳордиқни уйғунлаштириб жисмонан чиниқишади, деҳқонлар етиштирган мева ва сабзавотлар йиғиштириб олинишига ўз ҳиссаларини қўшишади. Совхозлар ва колхозларнинг кишлоқ хўжалик бирлашмалари билан тузилган шартномалар ана шу ишнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ёз — фақат дам олиш мавсуми бўлмай, балки мактабларни янги ўқув йилига жадал тайёрлаш давридир. Бу ишга юқори синф ўқувчилари ҳам фаол кўшиладилар. Улар ўқувчилар қуролиш бригадалари сафида бирлашиб, мактаб жиҳозлари ва партталарини ремонт қиладилар, кабинетларни бўяшади. Уларнинг кўплари ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида ўрганган касбларн бўйича меҳнат коллективларида ишлайдилар.

Ёзги каникул қисқартирилиши ҳисобига база корхоналарида ишлаш илгари ҳам амалда қўлланилган эди. Лекин эндиликда «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари»дан келиб чиқиб, ўқувчиларни системали, уюшган, уларнинг соғлиғи ва ёшига муносиб ижтимоий-фойдали меҳнатга тортиш алоҳида кўлам касб этади.

— Болаларимиз дам оладиган вақт чекланиб қолмайдими! Ахир улар лагерда ҳам меҳнат десантларида қатнашишади-ку! — кабн луқмаларни ота-оналар йиғилишларида тез-тез эшитиш мумкин. Лекин бундай ота-оналар ўз фарзандларини авайлаб, уларнинг келажаги тўғрисида қайғуришмайдн. Ҳудди ана шундай болаларнинг ер-кўкка ишонмайдиган онналарда ҳаётда ўз ўрнини тополмайдиган кишилар пайдо бўлади.

— Биз набирамиз учун ҳеч нарсани аямадик. Лекин у ҳунар-техника билим юртнни битиргач, мутахассислиги бўйича ишламади. Ялиниб-ёлворнб, минг азоб билан «Ташсельмаш»га ишга боришга кўндирдик. — Лекин у бу ерда ишлаб кетишига ишончимиз оз, — деб ёзишади пенсионерлар Л. ва П. К-овлар.

Бошка хатларда хам ана шу кабн ташвишли сўзларни ўқиш мумкин.

«Ота-оналар... болаларнн меҳнатнн севиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашлари, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлашлари, тартибга, интизомга, жамиятимиз турмушининг нормаларига риоя этишга ўргатишлари... ўзларининг меҳнатга ва ижтимоий вазифаларга муносабати билан хамма ишда болаларга намуна кўрсатишлари лозим» — дея таъкидланадн мактабни ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида.

1120 ўсмир дам оладиган ўнта харбий-спорт лагери хам маънавий тарбня мактабига айланади. Буларда спорт мусобақаларн ва байрамлар ўтказнш, тўгараклар ташкил этиш ва уюштирш кўзда тутилган.

Пионер ёзи ва спорт ҳамоҳангдир. Спорт ўқувчиларнинг саломатлигнни мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Шу боисдан ҳар бнр лагерда ГТО комплекси нормаларнни топшириш, шахмат ва шашка мусобақаларн, «Чарм тўп» совринн учун беллашувлар ўтказнш анъанага айланади.

Каникул кунлари — қувноқ мавсум. Ўйинлар, походлар, мусобақалар ва меҳнат жараёнида саломатлик мустаҳкамланади, ирода ва характер тобланади. Ана шу дам олишнинг мазмунли бўлиши ҳақида пионервожатийлар ва тарбиячилар, врачлар ва умумий овқатланиш ходимлари ғамхўрлик кўрсатмоклари даркор. Дам олишнинг мазмунли ўтиши учларга боғлиқ. Ёз улар учун — биз учун энг катта бойлик бўлган — фарзандларимизга ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ масъулиятли долзарб давр.

Пионер лагери, меҳнат ва дам олиш лагерн, ҳарбий-спорт лагерн ҳаётн ўқувчиларнинг саломатлигнни мустаҳкамлаш, уларни янги билимлар билан бойитиш учун ҳамма ишни қилмоқ лозим.

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг жавоби

Муҳтарама Петра Келли хоним!

Биз Сизнинг ядро қуроли, химиявий қурол ва бошқа турдаги қурол қўлланилиши мотивли хусусида хавотирланишингизга қўшиламиз. Бундай хавотирлик учун хамма асослар бор. Айниқса кўпгина кимсалар янги ядро ракеталари кетидан Ғарбий Европага, аввало Сизнинг мамлакатингизга химиявий ўқ-дориларнинг янги турқумларини, шунингдек нейтрон қуролни келтириб қўйиш истагида юрибди.

Шу муносабат билан химиявий қирғин қуролининг янги турлари ўз территориясида жойлаштирила бошланса ёки жойлаштириш режаси тузилаётган давлатларнинг алоҳида масъулиятини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ўз халқларининг тақдири учун ҳам, шунингдек Европадаги тинчлик ва умуминсоният халқаро хавфсизлиги учун ҳам масъулдирлар.

Сиз ГФРга қарши ядро ва химиявий қуролни ишлатиш имкониятини соқит этиш мумкин, бунинг учун қандай шартларни бажариш керак, деб сўрабсиз. Бундай шартлар, бизнинг назаримизда, моҳият эътибори билан бир нарсадан иборат: ГФР СССРга ва унинг социалистик иттифоқчиларига қарши Сиз тилга олган ёки уруш олиб боришнинг бошқа воситалари ишлатиладиган агрессияга тайёргарлик кўриш ва агрессия қилиш учун ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда плацдарм бўлмаслиги керак. Мана шундай қилинган тақдирда Сизнинг мамлакатингизнинг ўзига ҳеч нарса хавф солмаслигига ишонавериш мумкин. У жавоб зарбасидан омон қолади, деб айтиш мумкин.

Кимки қўшни давлатларни мўлжалга олувчи биринчи зарба урадиган қуролни ўз юртида жойлаштирса, у ўзини аввал бошданоқ жавоб зарбаси, интиқом зарбаси хавфи остига қўяди. Кимки бошқаларни нишонга олса, муқаррар равишда ўзи ҳам нишон бўлиб қолади. Бу тамомила равшан бўлмоғи керак.

Ҳамма давлатлар ўз хавфсизлиги учун ташвиш тортишни хоҳламаса, Сиз, Келли хоним ҳақли равишда ҳисоблаётганингиздек, ҳам ўз мамлакатингиздаги, ҳам умуман Ғарбдаги ва Шарқдаги жамики оммавий қирғин қуролини йўқ қилиб ташлаш ғамини ейиш керак. Бошқа давлатлар бу қуролларни йўқ қилиб ташлайдиган бўлса, Совет Иттифоқи ҳам худди шундай йўлдан боришга тайёр эканини неча марталаб билдирди.

Ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ўз муносабатларини муайян нормаларга бўйсундиришга, Совет Иттифоқи қилаётганидек, ўз сиёсатида шу нормаларга оғишмай риоя этишга тайёрлиги принципиал аҳамиятга эга эканини илгари мамлакатимизнинг бошқа давлат арбоблари каби мен ҳам гапириб ўтган эдим. Сиз ўртага қўйган масалаларга бевосита тааллуқли бўлган баъзи нормаларнигина эслатиб ўтаман. Совет Иттифоқи ядро қуролини ишлаб чиқаришдан ва сотиб олишдан воз кечган ва ўз территориясида шундай қуролга эга бўлмаган мамлакатларга қарши бу қуролни ҳеч қачон ишлатмаслигини расмий тарзда ва тантанали равишда маълум қилди. Бугина эмас, бизнинг мамлакатимиз ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик ҳақида ўз ташаббуси билан мажбурият олди. СССР Варшава Шартномасидаги ўз иттифоқчилари билан биргаликда НАТО мамлакатларига оддий қурол-яроғларни ҳам, умуман ҳарбий кучни ҳам биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида битим тузишни таклиф қилмоқда. Ҳудди шунингдек Совет Иттифоқи қачон бўлмасин, химиявий қуролнинг ишга солинишига қатъиян қаршидир. Биз бу қуролни умуман ҳарбий аслаҳалар қаторидан чиқариб ташлаш тўғрисида конкрет таклифлар қилдик. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар Европани ҳамма турдаги химиявий қуролдан халос қилиш тўғрисида бир битимга келишни биринчи галдаги қадамлардан бири сифатида таклиф этдилар.

Бизнинг позициямиз мана шундан иборат. Бу позиция Сизни қизиқтирувчи масалаларга тўла-тўкис жавоб беради. деб ўйлайман. Яхшилик сари кескин бурилишга эришмоқ учун очиқдан очиқ зўравонликка умид қилаётган, одамларни оммавий равишда қирадиган қуролларни ишлатишни, низоли масалаларни ҳал этиш ва ўз сиёсий мақсадларига эришишнинг «қонуний» ва «аҳлоқий» усули, деб эълон қилаётган кимсаларнинг қайсарлик билан амалга ошираётган ғаламислигини мажаклаб ташлаш лозим. Шу мақсад йўлида Ғарбий Европа мамлакатларининг ерларига агрессия бошлашга мўлжалланган ракеталарни жойлаштириб қўймоқдалар, океан нариғидан химиявий қуролни келтириб шу ерга жойлаб қўймоқдалар.

Европа қитъаси остига қасддан ядро ва химия уруши пилтасини жойлаштириб қўядиган бундай сиёсат йўлига тўсиқ қўйилиши керак. Бу ёвуз ниятларни йўққа чиқариш вазифаси барча халқлар, сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари олдида кўндаланг бўлиб турибди. Бу вазифани ҳеч кечиктирмай, куч-ғайратни аямай ҳал қилиш керак.

Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, Европадаги ва халқаро вазиятни нормаллаштириш сари бурилишга эришиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қилаверади.

Эҳтиром ила

К. ЧЕРНЕНКО.

* * *

К. У. Черненконинг мактуби ГФРнинг жамоат арбоби, «Кўкатпарварлар» партиясининг вакиласи П. Келлининг мурожаатномасига жавобдир, у ядровий ёки химиявий қуролни Ғарбий Германиядаги нишонларга қаршн ишлатиш эҳтимолига қандай қилиб йўл қўймаслик ва бунинг учун ГФР томонидан нималар қилиниши лозим, деган саволни ўртага қўйган эди. Айни вақтда П. Келли умуман оммавий қирғин қуролини тугатиш керак, деган фикрни ёқлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

К. У. ЧЕРНЕНКОга ИСПАНИЯ БОШ КОРТЕСЛАРИ СЕНАТИНИНГ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ССР Олий Советининг палатасига биноан СССРга келган Испания Бош кортеслари сенати (парламенти) делегациясининг бошлиғи, сенат раиси Х. Ф. де Карвахаль 29 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. У. Черненкога «Испания Бош кортеслари сенатининг Олтин медали»ни топширди. Бу мукофот давлат бошлиқларига, олимлар, тинчликни ҳимоя қилиш ишидаги ғоят катта хизматлари учун берилади.

Х. Ф. де Карвахаль Конституция Устинович Черненконинг мурожаат этиб, бундай деди:

Раис жаноблари, аввало мен Совет мамлакатида бир неча бор тарзда кутиб олинганимиз учун Сиз орқали бутун совет халқига миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Бизнинг визитимиз қийин шароитда тўғри келганлигини тушунамиз, чунки дунёдаги аҳвол жуда кескинлашиб кетган. Шу муносабат билан биз визитимиз икки томонлама муносабатларни яхшилашга кўмаклашишдан ташқари жаҳондаги вазиятни соғломлаштиришга бирга-ликда қўшиладиган ҳисса ҳам бўлишини кутмоқдамиз Биз бу ерда конституциямизнинг, халқимиз узоқ вақт орзиқиб кутган конституциянинг намоянларимиз, чунки у бизни тинчлик йўналишида ва халқимизни уйғун ривожлантириш йўлида ҳаракат қилишга ундайди.

Ҳозир биз сенатимиз президиуми бизга топширган фахрли вазифани бажариш, яъни Сизга сенатнинг Олтин медалини топшириш учун ҳам шу ерда ҳозир бўлиб турибмиз. Бундай медаль шу пайтгача фақат икки кишига — Испания қироли Хуан Карлос I билан Мексика Қўшма Штатлари президентига топширилган эди.

К. У. Черненко Испания Бош кортеслари сенати СССР Олий Совети Президиуми Раисини тақдирлаган юксак мукофот учун миннатдорчилик изҳор этди. Бу мукофотни, деди К. У. Черненко, Совет Иттифоқининг изчил тинчликсевар сиёсати жаҳон ишларига хайрли таъсир ўтказаётганлигининг эътироф этилиши деб қабул қиламан. Айни вақтда бу мукофот Испания ва унинг халқи кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш ишига содиқлигининг далилидир.

Биз, Совет Иттифоқидагилар, мамлакатимиз билан Испания ўртасида айни шу ҳилдаги муносабатлар таркиб топаётганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Испания давлатининг бошлиғи қирол Хуан Карлос I ва қиролича Софиянинг яқинда СССРга қилган визити буни яна бир бор тасдиқлади. Биз аминмизки, ана шу визитнинг натижалари мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга ва ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади. Делегациянгизнинг Совет Иттифоқида бўлиши бунинг далилларидан биридир.

Пировардида К. У. Черненко кўрсатилган шараф учун Испания томонига яна бир бор миннатдорчилик изҳор этиб, дўст испан халқига омон-эсонлик ва бахт-саодат, сенат делегациясининг аъзоларига эса СССРда бўлиш вақтини кўнгилли ва фойдали ўтказишларини тилади.

Мукофотни топшириш маросимида:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Л. Н. Толкунов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси А. Э. Восс, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлари А. М. Александров, Т. Н. Бокарева, В. А. Масол, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутати В. В. Карпов;

Испания томонидан — Бош кортеслар сенати делегациясининг аъзолари Х. Л. Родригес, И. Гаминде, Х. Х. Лаборда, Р. Рубиаль, Л. Фернандес, Р. Сала И Канадель, Р. Серкос, Х. Аскарага, Испаниянинг СССРдаги элчиси Х. Л. Ксифра де Осерин ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

=тонгги газеталарда=

29 май куни комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгаши иши СССР Қуролли Кучлари турлари бўйича секцияларда ўтди. Армия ва Флот комсомол ташкилотларининг Коммунистик партия билан Совет ҳукумати Қуролли Кучлар олдига қўйган вазифаларни ҳал этишга ўтказадиган таъсирини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш давом эттирилди.

Кенгаш қатнашчилари, барча ёш жангчилар ўртоқ К. У. Черненконинг ёрқин нутқини жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг комсомол ташкилоти Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги уларнинг ғайрат-шижоатини жўш урдириб юборди.

Комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда.

ЭКРАН ДЎСТЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-84

• Сўз—фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига

КИНОКАМЕРА ҚУРОЛГА АЙЛАНАДИ



Самир ДАРВИШ,
режиссёр, Ливан кинематографчилари касаба союзлари кенгашининг бош секретари.

Мен Москвада 29 марта бўлиш шарафига муяссар бўлдим. У ерда республикамизнинг жанубида яшаб бераётган танг аҳвол ҳақида ҳикоя қилувчи «Паноҳ» фильми кўрсатилди. Биз ижод делегациямиз биринчи марта Тошкент кинофестивалига келдик. Биз Ливаннинг жанубидаги мураккаб аҳвол ҳақида ҳикоя қилувчи 25 минутли ҳужжатли лентани олиб келганмиз. У «Фожиа ва бардошлик» деб аталади.

Бизнинг мамлакатимизда миллий кинематография кейинги 20 йилдан буён ривожланиб келмоқда. Ана шу давр ичида бир қатор яхшигина тўла метражли фильмларни тайёрлаш шарафига эришдик. Ҳам мангизга маълумки, 1975 йилда юз берган оғир вазият оқибатида Ливандаги аҳвол жуда ҳам мушкуллашиб кетди. Бу мажорони империалистлар, Исроил корчалонлари келтириб чиқаришди. Эндиликда эса бу адолатсиз босқинчиликка қарши курашиш учун кинокамера қўлимизда қуролга айланди, Ливан халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун, яқин Шарқда тинчлик барқарор бўлиши учун курашда халқимизнинг матонатли курашини қадамба-қадам суратга олиб бораётирмиз.

Менинг республикамда, шу жумладан кинематографистла р имиз ҳаётида энг оғир ва машаққатли даврлар юз бераётир. Давлат кинематографияни молиявий таъминлаш борасида имконияти ғоятда торайиб қолди, бизнинг касаба союзларимиз уюшмаси Ливан халқининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган адолатли кураши ҳақида ҳикоя қилувчи янги лентаиарни яратишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Кинофестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори менинг қалбимга ва касбдошларимнинг қалбига, Ватанимдаги юртдошларимнинг қалбига жуда ҳам яқин.

Тошкент кўриги биз учун чинакам дўстлик экранидир.

ШАРАФЛИ ВАЗИФА



Окубо ТЕХИРО,
киноактриса ва рассом, Япония.

— Мен Тошкент Халқаро кино байрамида биринчи бор қатнашаётган бўлсам-да, унинг тинчлик ва дўстликка, тараққиётга хизмат қилаётганлигини чуқур ҳис этиб ғоят тўлқинланяпман. Ахир бутун инсоният фақат тинчликда яшаш учун ҳар қачонгидан кўпроқ ташвиш чекаётган, қуролланиш пойгасини авж олдираётганларни жиловлаш учун барча имкониятларни ишга солаётган бир пайтда жаҳон халқларининг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишдан ҳам муҳимроқ вазифа борми? Кино санъати, ҳар бир экран устаси бугунги кунда ана шундай улуғ ишга сафарбар этилган экан, буни фақат шарафлаш ва қўллаб-қувватлаш лозим.

Мен кўпгина фильмларда суратга тушганман, қатор картиналарга декорациялар яратганман. Қаҳрамонларимнинг кўпчилиги атом бомбаси портлашидан азият чеккан, шунингдек ўз қаётини санъат ва муҳаббатга, инсоний дўстликка бағишлаган аёллардир. Шу кунларда халқаро кино байрамида режиссёр Садао Накаиманинг «Санъат ва муҳаббат», Мамуро Мацукининг «Ялангоёқ Ган» ва бошқа картиналари муваффақиятли намойиш этиляпти. Бу фильмлар инсон тақдири, муҳаббати ва Хиросима фожиаси манзараларини гавдалантириб, томошабинни тинчлик ва эзгулик учун курашга даъват этади.

Фестиваль кунлари қўшлн днёрингизнинг ажойиб шаҳарларини томоша қилдик, ҳамкасбларимиз билан кино санъатини тинчлик ишига хизмат қилдириш тўғрисида суҳбатлашдик. Бу учрашувларнинг ҳар бири ажойиб таассуротларга бой бўлди.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

БУГУН


Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали ўз ишини намойиш қилинган фильмлар бўйича совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси билан бошлади. Фестивалда кштирок этаётган кино делегацияларнинг раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар. Республика киночилар уйида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзунда ўтаётган ижодий мунозара давом эттирилди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Санъат саройида Миср, Бангладеш, Вьетнам ва Мексика кинематографчиларининг фестивалга тавсия этган картиналарн билан танишадилар.

эртага

фестиваль программасндаги тадбирларга мувофиқ Халқаро кино байрамн қатнашчилари бир қатор ижодий учрашувларда иштирок этишади. Комил Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларнинг совет кинематографчилари билан учрашуви бўлади.

МАҲОРАТ СИНОВИ



Нежат ГУКЧА,
Туркия маданият ва туризм министрлиги кино бўлими бошлиғи, делегация раҳбари.

— Туркия киносанъаткорлари учун ҳам халқаро Тошкент фестивали ўзига хос маҳорат кўригидир. Чунки мамлакатимиз киностудиялари, прогрессив ҳаракат усталари яратаётган фильмлар бу ерда ўзининг ҳаққоний баҳосини олмоқда. Албатта Тошкент фестивалларн экранида намойиш этилаётган барча фильмларимизнинг ҳам сазаси бир хил деб бўлмайди. Чунки ҳар бир режиссёр воқеликни тасвирлашда ўзининг ижодий услубидан келиб чиқиб иш тутади. Отиф Йилмаз, Йилмаз Дуру, Емер Ковур ва бошқа режиссёрларнинг социал проблемалар ва муҳаббат интригалари тасвирланган бир қатор фильмлари ўзининг ғоявий-бадиий хусусиятлари билан Туркия кино санъати етакчи тенденцияларини ўзида мужассамлантиради.

Машҳур совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» қиссаси асосида яратилган «Қизил дуррача» фильми мамлакатимизда ҳам, Тошкент фестивалларида ҳам муваффақият билан намойиш этилган эди. Бу картинада бош ролни ижро этган Туркан Шорай эндиликда режиссёр сифатида ҳам ажойиб картиналар яратяпти.

VIII Халқаро Тошкент кинофестивали экранида Туркия кинематографчиларин и н г иккита бадиий фильми расмий намойиш этилди. Емер Ковурнинг «Сўнган муҳаббат тарихи» ва Кунанжнинг «Бу —аёл» деб номланган фильмларида инсоний эрк ва муҳаббат эрки масалалари илгари сурилади.

Биз туркия экран усталари халқаро кино байрамида ўзимизнинг кўпгина ҳамкасбларимиз билан учрашиб, ижодий мунозараларда қатнашдик. Бу учрашувлар ижодий маҳоратларимизни такомиллаштиришимизда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси савдо ташкилотларига июнь шартномаси мажбурияти ҳисобига маҳсулотларнинг дастлабки туркумини жўнатди. 3-тикув цехи ва маҳсулотни намлаб-иссиқлик билан қайта ишлаш коллективлари корхонада биринчи бўлиб беш ойлик топшириқни муддатидан илгари бажаришганлиги тўғрисида ғалаба рапортини беришди. Маҳсулотнинг қарийб ярми беш қиррали фахрли белги билан тайёрланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 29 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз ўзгариб туради, бироз ёмғир ёғиб ўтиши мумкин. Кечаси 17—22, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

Семинардан хабарлар

АВТОМОБИЛЬ БЕҲУДА ҚАТНАМАСИН

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети группалар раислари ва штатсиз активлар билан навбатдаги машғулотни ўтказди. Тадбир республика пойтахтидаги юк автотранспорти бўлинмалари фаолиятининг айрим масалаларига бағишланди.

Машғулотда партия ва ҳукуматнинг халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича талабларига мувофиқ, умуман тармоқ бўйича хўжасизлик, юк ташишда ошириб ёзишга қарши курашда маълум ютуқларга эришилганлиги, ёнилғи-мойлаш материаллари сақланиши яхшироқ таъминланаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шаҳардаги 43 та автотранспорт корхонаси ишининг яқинда ўтказилган таҳлили кўрсатишича, ҳали юк автомобиллари паркидан самарали фойдаланилишини ташкил этишда нуқсонлар бор. Қатор автохўжаликларнинг раҳбарлари линия транспорт, ишлаб чиқариш ва технология интизомига риоя этилиши юзасидан зарур чоралар кўришмаяпти. Баъзи жойларда юк ортиш-тушириш жараёнида автомобилларнинг нормадан ортиқча бўш туриб қолишига йўл қўйиляпти.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, виноароқ ташувчи 2521-автоколонна ҳар куни «Ташкентвино» комбинатига юзтадан ортиқ транспорт ажратади. Юк машиналари кўпинча маҳсулот олишни рад этган магазинлар орасида беҳуда сарсон бўлиб қатнайди. Бунинг оқибатида юк ортилган машиналар ўзига хос ғилдиракли омборга айланган гаражга қайтишга мажбур бўлади. «Ташкентвино» комбинати ҳам, автоколонна ҳам ишга омилкорлик билан ёндошмаяпти.

Камчиликлар нинг сабаби муассасаларaро сансалорликдадир. Юк ортиш-тушириш жараёнида бўш туриб қолишни пасайтиришга автокорхона интилаётган бўлишига қарамай аксинча бўлди. Бу ерда қадоқланган майда товар маҳсулотни ташишга 60 та механик ортиш-тушириш мосламали машина-контейнеровоз жиҳозланган эди. Магазинда эса бундай контейнерларни қабул қилишни рад этишаяпти. «Узоптбакалея»нинг қадоқлаш ишлаб чиқариши контейнерлардан фойдаланмаяпти. Қадоқланган қанд, туз ва бошқа маҳсулотларни яна қайтадан каттароқ ўрамлар қилиб, машиналарга юклайди. Шуни ҳам айтиш кераккки, ана шу иш учун йилига 50 тоннадан зиёд ҳозирги кунда танқис бўлган қоғоз сарфланяпти. Ваҳоланки, контейнерлар беҳуда турибди.

Семинар қатнашчилари — Киров, Фрунзе, Сергели ва бошқа районлардаги автокорхоналар халқ контроли группаларининг раислари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, ўз фаолиятларидаги фойдаланилмаётган резервлар ҳақида фикрлашдилар. Жойлардаги халқ контроли группалари ва постлари аъзоларига нисбатан талабчанликни оширишга, халқ мулкига бепарво муносабатда бўлганларга нисбатан қаттиқ қўл бўлишга чақирдилар.

В. ГРИГОРЬЕВ.



ТАРТИБ САҚЛАНМОҚДА

3-автомобиль комбинати халқ назоратчиларининг юмуши кўп. Уларнинг бевосита қатнашуви билан хўжасизликка, иш вақтидан ноўрин фойдаланишга қарши кураш олиб борилмоқда.

Ю. Хўжаев бошчилик қилаётган халқ контроли группаси ёқилғи-мойлаш материаллари, электр қувватини тежаб қолиш бўйича ўнлаб рейдлар ўтказди. Назоратчилар машиналар ўз вақтида линияга чиқишини, ҳайдовчилар иш вақтига қатъий риоя қилишларини кузатиб бормоқдалар.

СУРАТДА: Ю. Хўжаев ва М. Свиридова линияга чиқиш олдидан ҳайдовчининг ҳужжатлари қандай расмийлаштирилганлигини текширишмоқда.

В. Александров фотоси.

Тошкент оқшоми

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 5 (204)

- НАЗОРАТЧИЛАР КОМИТЕТИ ТУЗИЛДИ.
- ТРАНСПОРТ МУАММОЛАРИ.
- ТЕЖАМКОРЛИК САМАРАСИ.
- ФАОЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ.
- ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР.

● НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ИШ КУНИ

ВАГОНЛАРНИНГ БЕКОР ТУРИШИНИ КАМАЙТИРАЙЛИК

Станциялар, корхоналардаги темир йўлларнинг қайта ишлаш қобилиятини ошириш янги масала эмас. Темир йўл транспорт юк тортиш мосламаларининг прогрессив усулларини жорий этиш лозим. Транспорт бўйича қабул қилинган барча қарорлар ҳаракатдаги составлардан тўла ва яхши фойдаланишга қаратилган. Хўш, бу кўрсатмалар қандай бажариляпти?

Биз райондаги саноат корхоналари ва ташкилотларнинг вагон паркларидан қандай фойдаланилаётганлиги билан танишиб чиқдик. Фактлар хушёрликка чақирди. Айрим раҳбарлар вагонларни ўз вақтида бўшатиш ва уларга юк ортишга етарли даражада аҳамият беришмаяпти. Бу билан улар давлатга катта зарар келтиришмоқда.

Масалан, Ўрта Осиё темир йўлининг Қизил тўқимачи станциясида темир йўл транспортининг асосий иш принципи — кечасию, кундузи узлуксиз ишлашга тўла амал қилинмаяпти.

Бу масалани биз район халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқдик.

Айрим текширувларнинг натижалари шуни кўрсатдики, район қозонхоналарининг дирекцияси вагонлардан фойдаланишни яхшилаш учун зарур чораларни кўрмаган. Натижада бир йил давомида 70 та вагон белгиланганидан кўп бекор туриб қолган. Кириш йўлкаларида уч соат туриш ўрнига вагонлар 34 соат туриб қолган. Бунинг учун 8 минг сўмдан кўпроқ жарима тўланди. Бундай фактлар такрорланиб турибди.

Темир йўл вагонлари ва контейнерларининг бекор туриб қолишининг бош сабабларидан бири юклаш операциялари жуда секин ва шошилмай амалга оширилаётганлигидадир. Шиша таралари заводида юклаш-тушириш механизмлари ва ускуналарининг тез-тез ишдан чиқиб туриши сабабли вагонларнинг жуда кўп бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Вагонлар нормадаги икки соат ўрнига 18 соат бекор туриб қолган, 16 вагон 1300 соат бекор турган. Бунинг учун 3 минг сўмдан зиёд жарима тўланди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам вагонлардан юкларни тушириб олиш яхши ташкил этилмаган. Бу ерда вагонлар нормадаги 4 соат ўрнига 13 соатлаб бекор туриб қолмоқда. 84 вагон белгиланганидан кўп бекор туриб қолган. Бунинг учун 3,5 минг сўмдан зиёд жарима тўланди.

«Текстильторг»нинг базасида 194 вагон нормадагидан 1700 соат кўп бекор туриб қолди. Бунинг учун жарима тўланди. «Ташгалантерейторг», 1-пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» заводида ҳам бекор туриб қолиш ҳолларига йўл қўйилган.

Район халқ контроли комитети айбдорларни жавобгарликка тортди, район қозонхоналари корхонаси директорининг ўринбосари В. Тишкевич, шиша таралари заводи таъминот бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджонов, «Ташгалантерейторг» базасининг директори А. Мусаевга етказилган зарарни қоплаш учун пул жаримаси солинди. «Таштекстильмаш» заводи директорининг ўринбосари Ю. Хейлик, 1-пойафзал фабрикаси директорининг ўринбосари К. Мирзаев ва бошқаларга ҳам чора кўрилди.

Станциялар, корхона ва ташкилотларнинг халқ контроли группалари вагонлар шикастланишининг олдини олишга даъват этилганлар.

Р. ПОДМАРЁВ,
Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси.



Жовдат Турсунхўжаев чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг тажрибали мастер назоратчиларидан бири. Ишлаб чиқариш илғори корхона халқ контроли группасининг энг актив ёрдамчиларидан ҳисобланади.
СУРАТДА: Ж. Турсунхўжаев.
Х. Мирзакаримов фотоси.

● Иш фаолиятидан

АКТИВ ЁРДАМЧИЛАР

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида халқ контроли комитети тузилди. Бугун биз унинг раиси, университет журналистика факультети декани А. Ш. Шомақсудовга сўз берамиз.

— Университет назоратчилари ўтказган дастлабки рейдлардан бирининг мақсади профессор-ўқитувчилар составининг иш билан бандлигини аниқлаш бўлди. Маълум бўлдики, кўпгина фан докторлари, профессорларнинг лекцияларда банд бўлиши белгиланганидан ва тегишлича ҳақ тўланишига нисбатан унчалик катта эмас. 22 профессор ўн соатдан кам дарс бериши, оддий ўқитувчилар эса дарслар билан ғоят кўп банд бўлишлари маълум бўлди. Бу университет назоратчилари кейинги тўрт ой ичида, яъни бош группа жамоатчилик асосида район комитети ҳуқуқидаги халқ контроли комитетига айлангандан бери аниқлаган қатор фактлардан биридир.

Назоратчилар ўзларининг навбатдаги мажлисларида қатор факультетларда моддий бойликларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан оқилона фойдаланишини текшириш натижаларини муҳокама қилдилар. Камчиликларга йўл қўйганлар ва уларнинг раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўрилди.

Назоратчилар халқ контролининг аввал қабул қилинган қарорлари ва университет ректорининг ана шу қарорлар асосида чиқарган буйруқлари бажарилмаган ҳолларга алоҳида эътибор қаратишди. Қуруқлик гидрологияси кафедраси мудири профессор А. Г. Глазирин ва амалий математика ва механика факультети коменданти Т. Азимовга виговор эълон қилинди. Геология факультети декани С. Н. Нуртоев ва география факультети декани А. Расулевга камчиликларга йўл қўйганликлари кўрсатиб ўтилди.

ТошДУ халқ контроли комитети хатлар, шикоятлар ва аризалар билан ишлашни яхшилашни ўзининг бевосита бурчи деб ҳисоблайди. Ушбу масала мажлислардан бирида атрофлича кўриб чиқилди. Назоратчилар кафедралар, лабораториялар, факультетлар ва ёрдамчи хизматлар раҳбарларининг эътиборини шикоятлар ва хатларни кўриб чиқишда фактларни чуқур ўрганишга, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан самарали чоралар кўрилмаётганига қаратишди. Бу шунга олиб келаётган эдики, ариза эгалари олинган жавоб билан қониқмагач, юқори идораларга мурожаат этишга мажбур бўлишарди. Шунингдек, аризалар нотўғри ҳисобга олингани, уларни кўриб чиқиш муддатлари бузилгани ҳақида кўплаб конкрет мисоллар келтирилди.

Университетда халқ контроли комитети тузилиши ўқув ва меҳнат интизомини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Масъулиятнинг ошиши назоратчиларимизнинг иш кўлами, активлиги ошишига яхши таъсир кўрсатди. Тошкент университетининг халқ назоратчилари партия ташкилотининг фаол ёрдамчилари бўлиб қолишди.

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Тошкент лимонад-сув савдосининг район базаларидаги савдо расталарида савдо қоидаларига риоя қилиш ва уларни баҳорги-ёзги мавсумга ишлашга тайёрлаш бўйича оммавий текшириш натижалари Акмал Икромов район халқ контроли комитетининг мажлисида кўриб чиқилди. Комитет шуни таъкидладики, бир қатор расталарда савдо қоидалари қўпол равишда бузиляпти, иш режимига риоя қилинмаяпти, уларнинг санитария аҳволи яхши эмас. Шикоятлар дафтарчаси кўзга кўринарли жойга илиб қўйилмайди, совутиш камералари яхши ишламайди.

Савдо расталари ишида йўл қўйилган нуқсонлар, уларни баҳорги-ёзги мавсумда ишлашга қониқарсиз тайёрлагани учун Тошкент лимонад-сув савдоси район базаларининг директори Шокировга ва унинг ўринбосари М. Туроповга комитет қаттиқ виговор эълон қилди. Текшириш материаллари Тошкент лимонад-сув савдоси шаҳар бошқармасига чора кўриш учун юборилди.

КИРОВ РАЙОНИ

Киров районида мактаблар қошидаги ошхоналарда ўқувчиларнинг овқатланишини қониқарсиз ташкил этиш фактлари район халқ контроли комитети билан район санитария-эпидемия станцияси ва халқ контроли группаси томонидан аниқланди. Комитетнинг мажлисида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Киров район ошхоналар трестининг 3-база ошхонаси мактаб ошхоналарини зарур озиқ-овқатларнинг жуда оз тури билан таъминлаяпти, озиқ-овқатларни хўжа кўрсингагина жамғаряпти, 86 ва 87-мактаб ошхоналарига сифатсиз маҳсулотлар келтирилгани ҳоллари очиб ташланди.

Кўпчилик мактабларнинг ошхоналарида технологик жиҳозлар, идиш-товоқлар, асбоблар етишмайди. Овқатланиш заллари ва ошхоналарнинг аҳволи санитария талабларига жавоб бермайди. Овқатларнинг калорияси пасайиб кетган ҳоллар аниқланди.

Комитет 3-база ошхонаси мудири Шевцова ва Киров район ошхоналар тресги директорининг ўринбосари Исломовни жавобгарликка тортди. Район халқ маорифи бўлимининг мудири Қурбоновга мактаб ошхоналари иши устидан етарлича назорат ўрнатмагани кўрсатиб ўтилди.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ремонт-қурилиш бошқармасида Куйбишев район халқ контроли комитети давлат, штат молия интизоми бузилишлари ва социалистик мулкни асраб-авайлаш таъминланмаётгани каби жиддий нуқсонларни аниқлади.

Ремонт-қурилиш бошқармасида ҳисоботларни бўяб кўрсатиш, лимитдан ташқари енгил автотранспортни қонунсиз сақлаш, фонд материалларини четга ва ўз ходимларига улгуржи баҳода ошириш, бюджет тўловларини мунтазам орқага суриш, ишдан бўшаб кетган шахслардан қарзларнинг ундириб олинмаслиги, вақтинчалик ишлайдиган ходимларни ва ўриндошлик йўли билан ишлайдиган ходимларни ишга қабул қилиш қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари аниқланди. Қонунсиз йўллар билан 11 минг сўмдан зиёд иш ҳақи тўланган.

Комитет ремонт-қурилиш бошқармасининг шу кўрсатиб ўтилган қонун-қоида бузишларда айбдор бўлган раҳбарларини қаттиқ жазолади ва уларни моддий жавобгарликка тортди. Халқ контроли группасига ремонт-қурилиш бошқармаси фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди.

ЛЕНИН РАЙОНИ

Ленин район халқ контроли комитети район молия бўлими билан биргаликда райониинг баъзи корхоналарида тўлов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

«Техсложбитприбор»нинг Тошкент шаҳар бирлашмасининг 1983 йил учун ҳисоб-китоб счётида маблағи бўлишига қарамай, ихтиёрий равишда бюджетга бир сўм ҳам қўйилмаган. 1984 йилнинг биринчи кварталида эса молия плани тўлов бюджетида кўзда тутилганининг 24,9 проценти ихтиёрий қўйилган, холос. Тўланмаган тўловлар миқдори бирлашмадан мажбурий тартибда олиб ташланди ва давлатга етказилган зарар учун бирлашмадан бир ярим минг сўмдан зиёд жарима олинди.

Ўрта Осиё темир йўлининг «Дортрансфарма» бошқармасида, «Водоканал»нинг Тошкент область бошқармасида, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг тажриба-механика заводида ва «Техсложбитприбор»нинг Тошкент область ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам худди шундай қонун бузилишлари аниқланди.

Комитет бюджетга ўз вақтида тўловларни қўймагани учун юқорида кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг раҳбарларини интизомий ва моддий жавобгарликка тортди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Октябрь район халқ контроли комитетининг мажлисида Тошкент кўн-мўйна заводида ишлаб чиқариш давлат планларининг бажарилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва кенг истеъмол моллари турларини кўпайтириш бўйича текшириш якунлари кўриб чиқилди. Комитет шу нарсани таъкидлаб ўтдики, завод раҳбарлари давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажариш у… зарур чораларни кўришмаган. Заводда ност… дарт маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳоллар… сифати паст хом ашё, технологиянинг бузил… сабаб бўлмоқда. Завод ассортиментдаги маҳсу… лотларни тўла етказиб бермаётгани ва сифат… кўн-мўйна буюмлари жўнатаётгани учун жарима… лар тўламоқда.

Давлат интизомини бузишда айбдор бў… завод раҳбарлари қаттиқ интизомий ва модди… жавобгарликка тортилди.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Собир Раҳимов район халқ контроли комите… тининг мажлисида 7-болалар касалхонаси ха… контроли группасининг (группа раиси … М. Г. Долгова) СССРда халқ контроли тўғрис… ги қонунда берилган ҳуқуқлардан фойдала… бўйича ижобий иши қайд этиб ўтилди.

Шифохона назоратчилари болаларнинг с… матлигини муҳофаза этишни яхшилаш бўй… ишларда маъмурият ва партия ташкило… самарали ёрдам бермоқдалар. Медицина … димларини эса социалистик мулкни эҳтиё… лиш, хўжасизлик ва интизомсизликка муро… сизлик руҳида тарбияламоқдалар. Группа… ижобий иш тажрибасини район халқ назорат… лари ўртасида ўрганиш ва ёйиш тавсия эти…

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

Сергели район халқ контроли комитети ма… лисида «Узторгстрой» трестининг бўлинмала… меҳнат унумдорлигини ўстириш, қурилиш… илғор усулларини жорий этиш ва моддий-т… ника ва меҳнат ресурсларидан самарали фой… ланиш бўйича топшириқларни бажариш юза… дан текшириш натижаларини кўриб чиқди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, трестнинг … рилиш монтаж бошқармаларида 90 процен… ишчи комплекс ва ихтисослашган бригадалар… жалб қилинган. Уларнинг айримлари Злоб… методи асосида ишламоқдалар. Кичик механ… ция воситаларидан самарали фойдаланил… Халқ назоратчилари иштирокида қурилиш-мо… таж ишлари сифати ва социалистик мул… асраб-авайлаш бўйича мунтазам рейдлар ў… зилмоқда.

Шу билан бирга комитет трест раҳбарлари… бошқарма ишида қурилиш-монтаж ишла… планларини бажариш, юклаш-тушириш жар… ларида қўл меҳнатининг устунлиги баъзи объ… ларни планга ўз вақтида киритмаслик ва бош… нуқсонларни кўрсатиб ўтди. Комитет 1 ва 2-… рилиш-монтаж бошқармаларининг бошлиқлари… интизомий жавобгарликка тортди ва трест б… карувчиси Е. С. Власовга текширишда аниқл… ган нуқсонларга барҳам беришни ва трест к… лективини бунинг натижаларидан хабардор … лишни топширди.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

«Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачи… комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси… халқ контроли комитети ўрнатилмаган дасто… ларнинг сақланишини таъминлаш ва улар… фойдаланишга топшириш юзасидан кўрилаёт… чоралар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Текширишда шу нарса аниқландики, 2 милли… сўмдан зиёд ўрнатилмаган ускуналар сақл… моқда. Шуниси ҳам борки, ҳисоботларга к… монтаж қилинаётган дастгоҳлар аслида фаб… каларда ҳали ўрнатилмаган, очиқ ерда сақл… япти. Дастгоҳлар электр энергия билан таъм… ланмаганлиги, тарқоқлиги, реконструкция муд… ларининг чўзиб юборилиши ва бошқа сабабла… кўра ўрнатилмаяпти.

Комитет техника бўлимининг бошлиғи Т. Су… моновни, бирлашманинг бош энергетиги С. … фенгенденни, пардозлаш фабрикасининг б… инженери С. Содиқовни ва ип-йигирув фабри… сининг бош механиги Е. Поливановни даст… ларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш … уларни сақлашни таъминлаш бўйича чора… кўрмагани учун жавобгарликка тортди. Коми… текшириш натижалари ҳақида бирлашма пар… комитетига ахборот берди.

ҲАМЗА РАЙОНИ

Пойтахтнинг Ҳамза районидаги «Ташкнигото… нинг 10-магазинида, «Ташобувьторг»нинг 8-ма… газинида назоратчилар совет савдоси қоидал… қўпол равишда бузилганлигини аниқладилар.

Текшириш якунларини кўриб чиқиб, коми… «Ташкниготорг»нинг 10-магазин мудири И. Ш… пиловани лавозимидан четлаштирди. 10-магаз… бўйича текшириш материаллари эса рай… прокуратурасига юборилди. «Ташобувьторг»н… 8-магазини мудири қаттиқ интизомий жавобг… ликка тортилди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Чилонзор районии назоратчилари Тошк… шаҳар Совети ижроия комитетининг 4-ремон… қурилиш бошқармаси бажараётган ишларн… сифати пастлиги, қилинган ишларнинг ҳажми… ошириб ёзишларни аниқлади. 23 та уйда, б… кондитер комбинатининг объектларида ва … институтида бажарилган ремонт ишлари … ҳисоблаб чиқилганда 29 минг сўм ошириб ё… гани маълум бўлди. Қилинган иш ҳажмини о… риб ёзганлиги, қўл остидагилар ишини б… назорат қилганлиги учун комитет 4-ремонт… рилиш бошқармасининг бошлиғи А. Барсу… жазо берди ва ундан давлатга етказган зара… ундириб олиш учун пул жаримаси солди.

ЭНГ ЯХШИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Тошкент шаҳар халқ контроли комитетида республика пойтахтининг энг яхши назоратчиларига мукофотлар топширилди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори Л. Кириленко, 2-автокомбинат халқ контроли группаси раисининг ўринбосари А. Ляхович, 1-тр… вай депоси халқ ко… троли группаси ра… С. Карпухин ва бош… активистлар самар… ишлари учун Фах… ёрлиқлар билан т… дирландилар.

● *Фельетон*

ПАРИШОНЛИК НИҚОБИ ОСТИДА

Икки алпдек сотувчи йигит ўзаро баҳслашиб турган эди магазинга кексароқ киши кириб келди. Йигитлардан бири уни суҳбатга тортди:

— Хў, акахон, биз баҳслашиб қолдиқ, орамни очди қилиб юборинг. Паришонлик дегани нима! Бунда не хислат бор!

— Паришонлик ниқобга — пардага ўхшаган нарса,— деди кекса киши айёрона жилмайиб. — Менга ўхшаган чолларнинг бирор касали бўлса ошкор қилади. Сенга ўхшаган айрим сотувчиларнинг эгри қўллик касалини вақти соати келгунча яширади. Унинг гоҳ пардага, гоҳ ниқобга ўхшаш нарсалиги ва шунга яраша иккиёқлама хислати энди аён бўлгандир...

— Хў, акахон! Топқир экансиз-у,— деди йигитлардан бири.

— Гапни ҳам ўзимизга ўхшаб «пақ» этиб отворарканcиз, — деди иккинчиси.

Уларнинг чолнинг гапига тан беришида жон бор эди. Чунки кечагина халқ назоратчилари келиб, омборда беркитиб қўйилган фил суратли чой ва «Оқ олтин»ни топишганда «паришонлик билан пештахтага чиқаришни унутибмиз» дейишган эди.

Паришонлик пардаси Ҳамза районидаги бир қанча магазинларнинг сотувчиларига қўл келяпти. Чунончи, «Ташхлебторг»га қарашли 62-магазинда ва унинг 62/22-филиалида сотувга қўйилмаган 8 коробка «Звездние», 4 яшик «Букет», 10 килограмм «Осенние» конфетлари парда ортига яшириб қўйилган. Бу ҳам етмаганидек, сотувчи Каипназарова харидорга 21 сўмлик конфет тортиб бериб, 28 сўм 60 тийин олган. Яъни ўз паришонхотирлиги сабаб бўлиб, харидорни 7 сўм 60 тийинга алдаган. Магазин мудираси бўлмиш М. Нурмуҳамедованинг айтишича, паришонлик ва беғамликнинг «объектив» сабаблари бўлади. Ажабо!

«Ташхлебторг»нинг 56-магазини (мудири Л. Бердник) кассир-контролёри А. Мўминовнинг паришонлиги эса 14 тийин турар экан. У харидорни 14 тийинга туширган пайтда ёрдамчи хонада паришон фил сурати туширилган 380 пачка чой пештахтага қачон чиқишини кутиб турган эди.

Энди 87-магазинга (мудири Э. Юсупов) бир кириб ўтайликчи, пештахтада нималар бор-у, нималар йўқ экан! Келинг, яхшиси сотувчилар хотирасидан кўтарилиб, омборда сақланаётган нарсаларни санаб қўя қолайлик. Чой — бу ҳам экваторга яқин жойда етиштирилганидан, «Оқ олтин», «Мелодия», «Чародейка» конфетлари...

Паришонхотирлик Октябрь райпишчеторги ходимлари ўртасида ҳам модадан чиқиб кетмаяпти. 60-магазин (мудири М. Раупов) сотувчилари А. Содиқов, Исҳоқов ва Рустамовлар ҳам контроль харид қилиш пайтида паришонхотир эканликларини намойиш қилишди. Навбатма-навбат 20, 35, 03 тийиндан уриб қолишди. Бу ерда ўн бир хил номдаги молнинг нархини ёзиб қўйишни хотирадан кўтаришган. Октябрь райпишчеторгига қарашли 73, 8, 70 ва 10-магазинларнинг сотувчилари ҳам паришонлик ниқоби остида харидор ҳақига хиёнат қилиш, яхши молларни парда орқасига яшириб қўйиш машқини аъло даражада бажаришяпти. Яширилаётган буюмлар орасида шоколадлар, монпасье, ош содаси, ҳамиртуруш, тухумли вермишель кабилар бор.

Ҳар касалнинг ўз давоси бўлганидек даволаш усуллари ҳам сероб. Масалан, массажчи сийпаб, хирург кесиб ташлаб даволайди. Рентгенчи нур билан, киннachi «куф-суф» билан даволаса, қадимги табибларнинг айримлари хивич билан уриб даволаган. Паришонхотирларни ҳам «уриб» турмаса бўлмас экан. Халқ контроли органлари паришонхотирлик дардига йўлиққан сотувчиларни ўз мажлисларида «дўппослаб», виговор деб аталувчи дорилар билан сийлади. Бу дорилар уларга қанчалик кор қилишидан огоҳ бўлиб туришни «Ташхлебторг» ва Октябрь райпишчеторги раҳбарлари зиммасига юклади.

Бу савдо ташкилотларида харидор ҳақига хиёнат қилиш, қўпол муомалада бўлиш, яхши молларни яшириб қўйиш каби фактлар биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Лекин у ёки бу нуқсонга йўл қўйган сотувчи жазоланяпти-ю, умумий аҳволдаги ўзгариш кам бўляпти. Харидорга хизмат кўрсатиш қачон яхшиланади! Ёки «Ташхлебторг» (директори Ғ. Йўлдошев) ва Октябрь райпишчеторги (директори Д. Сайдалиева) каби савдо ташкилотлари раҳбарлари ҳам паришонлик ниқоби ортига ўтиб олишганми! Ниқобни йиртиб ташлаб, нуқсонларга тик кўз билан қараш, касаллик иллатларини таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш пайти қачон келади!


Биз ҳам ушбу саволларни харидорлар номидан паришонлик касалига йўлиққанларга дори-дармонлардан бири бўлсин деган истак билан ҳавола этдик. Аччиқроқ бўлса узр. Биласизки, дорининг ширини бўлмайди.

М. МУРОДОВ.

Фактларни рассом шарҳлайди

КООПЕРАТОРЛАР ВА ... ФИРИБГАРЛАР

«Ташгоркоопторг»нинг чакана савдо тармоқлари текширилганида харидор ҳақига хиёнат қилиш, торозидан уриб қолиш, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни сотувга чиқариш фактлари аниқланди. Сархил сабзавот, кўкатлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпинча пештахтада бўлмайди. Савдо точкаларида санитария режими бузиляпти.






ЎЗЛАРИНИ УНУТИШМАЯПТИ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқ… бирлашмасининг 4-фабрикасида … тер Аҳмедова ва бригадир Қу… ва фабрика фондидаги материал… ўзлари учун юбкалар, кофталар … бошқа кийимлар тикиб олишган… қат март-апрель ойларида улар … ри учун 33 та кийим тикиб олиш…

КИНО САНЪАТИ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

• СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ



Кэйсука КУСАКА,
«АИСТ» корпорация раиси, Япония.

— Бизнинг «АИСТ» деб номланган корпорациямиз Совет Иттифоқидаги Аэрофлот, «Интурист», «Совинфильм» марказий тепловидение ва бошқа ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик қилади. Бундай ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ижодий имкониятларимизни янги ва янги ғоялар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Бу борада ҳар йилги Ўзбекистон пойтахтида ўтказиладиган уч қитъа кинематографчилари Халқаро кино байрамининг ҳам муҳим ўрни бор. Ўтган йиллари биз фестивалда қатнашган фильмларимизни намойиш этиш билан бирга дўстларимиз билан келгусидаги ҳамкорлик режаларини белгилаб оламиз.

Япон кинематографчилари фестиваль экранига тавсия этган фильмлар ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, улар турли ижодий услуб ва тенденциялар асосида яратилганига қарамай, ҳаётдаги социал муаммолар, инсоний муҳаббат ва дўстлик, урушга қарши қураш мавзулари бирлаштириб турали.

Фестиваль экранида ядро уруши ҳалокатини кўрсатадиган «Ялангоёқ Ган», истеъдод тақдири теран тасвирланган «Санъат ва муҳаббат», шунингдек бошқа картиналаримиз намойиш этилянти. Бу картиналар уч қитъа кино арбобларини бирлаштирган Халқаро Тошкент фестивали руҳига ҳамоҳанг бўлганлиги учун ҳам улар томошабинлар томонидан эътироф этилди.

Фестиваль кинематографчиларимизни н г ижодий ҳамкорлик режаларида янги уфқлар очишига ишончимиз комилдир.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

БОЛА НЕГА ДУДУҚЛАНАДИ?

Ҳурматли редакция! Менинг саккиз яшар ўғлим гапирганда кўп тутилиб, дудуқланиб қолади, унинг нутқи равон бўлиши учун қандай чора-тадбир қўлласам бўларкин?

М. ТОЛИПОВ,
бинокор.

Бола мурғаклик даврида нутқида бузилиш ва камчиликлар учрайди. Бундай пайтда «Ҳали болам ёш, катта бўлса нутқи тўғриланиб кетар», деб эътиборсиз бўлмаслик керак. Маълумки, нутқ бузилишларининг энг мураккабларидан бири тутилиб гапириш — дудуқланишдир.

Дудуқланиш — гапираётганда айрим товуш, бўғин, ҳатто сўзлар қайта-қайта такрорланади ёки тўхтаб қолиш натижасида юзага келади. Масалан: «Ки-ки-китоб; б-б-бола, л-л-лола». Натижада тутилиб гапираётганда бола атрофдаги киши-лар билан эркин сўзлаша олмайди. Бундай нутқи нуқсонли бола-лар (шу жумладан катта ёшдагилар ҳам) нутқ камчиликларини билдирмаслик учун кам гапиришади, ўз фикрларини аниқ-тиниқ тушунтира олмаганликдан ҳиҳолат чекиб, хафа бўлиб юришади.

Хўш, дудуқланиш-нима ва уни келтириб чиқарадиган сабаблар нималардан иборат? Тутилиб гапиришга нафас, товуш ва товуш ҳосил бўлишида иштирок этадиган артикуляцион аппаратнинг пай тортишидан келиб чиқади.

Дудуқланиш масаласи билан жуда кўп олимлар қизиқишган. Баъзи олимлар товуш аппаратининг камчилиги деб билиб, ҳатто операция ёрдамида даволашга уриниб кўришган. Айрим олимлар эса бу бутун организм касаллиги деб дори-дармон билан даволашган, лекин бу ҳам ҳеч қандай натижа бермаган. Кейинчалик олимлар, дудуқланиш неврознинг бир тури, деган хулосага келишди. Улуғ рус физиологи И. П. Павлов қонуниятига кўра, дудуқлик — олий асаб фаолиятининг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг бузилишидир.

Дудуқлик туғма ва ҳаёт даврида орттирилган бўлиши мумкин. Туғма дудуқликка онанинг ҳомиладорлик вақтида йиқилиб тушиши, қаттиқ қайғуриши, етарли овқатланмаслик ва дам олмаслиги сабаб бўлади. Ҳаёт даврида орттирилган дудуқланишга мия-нинг шикастланиши, қаттиқ қўрқиши ёки узоқ вақт қайғуриши оқибатида келиб чиқади.

Болада бир-бир ярим ёшида нутқ эгаллашнинг илк босқичи вужудга келади. Бу даврда ҳали асаб системаси ва нутқ аппарати тўлиқ ривожланмаган бўлади. Бу даврдан бошлаб ота-оналар, боланинг тарбияловчиси ва яқин атрофидаги кишиларнинг нутқ нуқсони ёки уларнинг тез, шошиб гапиришлари ҳали нутқини тўла эгалламаган боланинг дудуқланишига сабаб бўлиши мумкин.

Грамматик жиҳатдан боғланган нутқ уч-тўрт ёшларда вужудга келади. Баъзи ҳолатларда бу ёшдаги боланинг тили кечроқ чиқади. Шунинг учун болага нутқ камчилигини айтиб, ҳадеб танбеҳ бериш, болани уялтириш унда оғир кечинмалар пайдо қилади.

У ёки бу сабаб билан бола дудуқланса, албатта психоневролог врачга мурожаат этиш керак. Поликлиника, боғча, мактаб қошидаги логопедик пунктда мунтазам машғулот ўтказиб, уйда ҳам машғулотни такрорлаб турилса, дудуқланишнинг бартараф этилишига ёрдам беради. Бунинг учун аввало боланинг нутқидаги камчиликни йўқотишга онгли равишда интилишга ўргатиш зарур. Нутқни тезлаштирмай, нафас олаётганда эмас, балки нафас чиқараётганда гапириш кераклигини ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Дудуқланишни бартараф этиш катталардан сабр-тоқат билан бола нутқини тузатиб боришни, вақтида машғулот ўтказиб туришни талаб қилади.

М. АБДУҚОДИРОВА,
логопед-ўқитувчи.

„ТО" спорт ҳафтаси


Тошкент — Олмаота шахмат матчи

23 май куни газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Улар ўзларининг оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада навбатдаги — еттинчи юришни эълон қилишди — Kg1—f3. Иккинчи тахтада эса газетхонларимизнинг Ks!—c3 юришига a7—a6 билан жавоб бершган эди.


Газетхонлардан тошкентликлар оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтадаги навбатдаги — саккизинчи юришни таклиф этиш, биринчи тахтада эса олмаоталикларнинг Kg1—f3 юришига қандай жавоб бериш ҳақида фикр билдиришини сўраган эдик.

Редакция шахмат мухлисларидан 175 та таклифлар ёзилган хат олди. 47 газетхон таклифининг телефон орқали хабар қилди. Уларнинг кўпчилиги биринчи тахтада олмаоталикларнинг еттинчи юришига Kg8—c6 билан жавоб бершини, иккинчи тахтада эса g2—g4 юришини таклиф этишган. Жумладан, И. Сафаров, Д. Мархаев, А. Юнусов, К. Кирясов, Х. Азизқулов, О. Эргашев, Ф. Раҳмонқиқов, Т. Набижонов, В. Пахмутов, А. Олин, Н. Кондюрин, Р. Қурбонов, Д. Тихонов, С. Ким, Э. Утназаров, Г. Назирчаев, С. Ҳасанов, С. Знёдов ва бошқалар шундай таклиф билдирганлар. Бу юришлар тўғри деб топилди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Энди ҳар икки тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз: Биринчи тахтада: 1.e4e5 2.Kc3Kf6 3.f4d5 4.feK:e4 5.d3K:c3 6.bcd4 7.Kf3 Kc6. Иккинчи тахтада: 1.d4d5 2.c4dc 3. Kf3 Kf6 4.e3 Cg4 5.C:c4 e6 6.h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g2—g4, Ҳурматли газетхонлар! Сиртқи шахмат матчи қандай боряпти! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни 325681, 325680, 325885, 330874 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

• ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Бу юриш фойдали эмасди

«Шахмат бўйича «Дўстлик матчи»нинг биринчи тахтасида вужудга келган вазиятни кўриб, ҳайрон қолдим. Агар тошкентликлар олмаоталикларнинг олтинчи юришига ф5—ф4 ўрнига фh4+! билан жавоб беришганида оқлар рокировка қилиш имкониидан маҳрум бўлишарди. Наҳотки, шахмат мухлисларидан ҳеч бири шундай самарали юриш борлигини сезмаган бўлса?»

Б. ХАЛИЛОВ,
Собир Раҳимов районидаги 1-ўрта мактабнинг 8-«Г» синф ўқувчиси, «Камалак» шахмат клубининг аъзоси.

Ёш шахматчининг хатини СССР спорт мастери М. Муҳиддинов шундай шарҳлайди:

— «Дўстлик матчи» уч ойдан буён давом этмоқда. Икки тахтада бир вақтнинг ўзида баҳс боряпти. Биринчи тахтада оқ доналар билан олмаоталиклар ўйнашяпти. Бу ерда ўйин қуйидагича бошланган эди: 1. e4 e5 2.Kc3.

Дебютнинг бундай бошланиш назариясини ўтган асрнинг ўрталарида австриялик шахматчилар ишлаб чиқишган. Шу боисдан ҳам у дебютлар назариясида «Вена партияси» деб ном олган. Ҳозир ўтказилаётган турнирлар тажрибасида бу партия жуда кам учрамоқда. Қоралар-нинг тезда қарши ҳужум уюштириб, устунликка эга бўлишлари бунга сабабдир. Совет назариячилари кўп йиллик тажрибадан кейин шундай хулосага келишди.

2... Kf6 (энг яхши юришлардан бири) 3.f4d5 (энг яхши жавоб). 4.teK:e4, 5.d3 K:c3.

«Дўстлик матчи» қатнашчиси Б. Халилов қўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашди. Улар Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасида республикамиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

М. МУНАВВАРОВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

КАРТОШКА СУВИ

Жароҳатли касалликка дучор бўлиб, меъда суюқлиги ажратиш кучайганда ва жигилдон қайнаганда картошка суви яхши ёрдам беради. Бу сувни айни ичиш олдидан тайёрлаш керак.

Бунинг учун картошкани тозалаб гўшт қиймалагичдан чиқарилади, кейин 3—4 қават докадан ўтказилади. Тайёр бўлган картошка суви ярим стакандан кунига 3—4 марта овқатдан олдин иккиучуч ҳафта босим ичилади.

ЕНГИЛ МАССАЖ

Мускулларингизда оғриқ сезсангиз дам олиб, мускулларни иссиқ тутиб, кейин енгилгина массаж қилинг. Бу оддий чора чарчаган мускуллардаги қон айланишини яхшилайди ва оғриқни камайтиради.



Узбекистон сил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий бўлимлари ва лабораторияларида врачлар ва илмий ходимларнинг катта коллективи меҳнат қилади. Бу ерда турли конкурслар ўтказиб турилиши анъанага айланган. Медицина ҳамшираларининг «Саломатлик, тинчлик, инсонпарварлик» шиори остида ўтган бу йилги конкурси Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланди.

СУРАТДА: конкурс пайтида.

А. Тухватулин фотоси.

• СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ЭЧКИ СУТИ ЯХШИМИ?

Баъзи кишилар эчки сути жуда фойдали, жуда яхши сут дейишади, шу тўғрими?

М. ГИЕСОВ,
Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди.

Эчки сути — тўйимли озуқа маҳсулотларидан ҳисобланади. У ўзининг химиявий таркибига кўра, сигир сутидан кам фарқ қилса-да, ундан афзал жиҳатлари бор. Эчки сути — серёғ, унда 4—7 процент миқдорида ёғ бўлади, организм енгил ҳазм қилади. Бу сут рахит касаллиги аломатлари бўла бошлаган болаларга айниқса фойдали, чунки у кальций ва фосфорга бойдир.

Янги соғилган эчки сути ҳаммабоп озуқадир, уни ёш болалардан тортиб то катта ёшдаги кишиларгача истеъмол қилаверади. Эчки сути организмни оқсил, ёғ, шунингдек минерал тузлар ва витаминлар билан муайян даражада таъминлайди.

Эчки сутидан хуштаъм ва тўйимли кефир, қатиқ ва сузма тайёрлаш мумкин.

Сигир сути сингари эчки сутини ҳам қайнатиб ичиш керак, чунки хом сутда касаллик қўзғатувчи микроблар бўлиши мумкин.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

«Текстильщик» спорт клубининг сузиш ҳавзасида ГТО кўлкураши бўйича «Ёш куч» кўнгилли спорт жамияти республика Советининг биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бел-лашувларда тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, Андрей Васильев ва Татьяна Ефимова энг яхши натижа

Александр ЧАКОВСКИЙ

Меҳрондаги биринчи учрашув

—8—

Президент ҳозир Теҳрон учрашуви тақрорланишини жудаям истарди, йўқ, конференция бўлган, ҳунарлик уруши айни қизиган йил такрорланишини ҳоҳламасди... У бошқа нарса такрорланишини истарди... Қанийди, руслар билан ўша ёзаро ишончи манбаига яна бир бор яқинлашиш... Фақат баҳслардан, муқаррар вужудга келган зиддиятлардан ҳоли — бундай зиддиятлар кўп бўлганди! — аввало иттифоқчиларнинг ғалишишларига ишонши, фақат шундай жипслашишгина душманни яксон қилиб, урушдан кейинги тинчликни таъминлашга ёрдам қила олишини тасдиқловчи шароит такрорланишини истар эди!

...Ўша совет элчихонасига келтирганларида ҳошон эди шекилли. Йўқ, кундузи соат уч эди. Президент конференциянинг биринчи мажлиси яридуз соат тўртда бошланганини яхши эслардик. Ҳа, ҳа, худди шундай! Рузвельт ўзининг ҳашаматли элчихонасида жойлашиб, камердинер унинг чамадонларини оча бошлаганида, хонанинг деворларида қўнғироқ тугмачаларни кўплигига эътибор берганди. Меҳмондўст уй эгаларн меҳмонининг қар қандай ҳолатда ҳам ўзига керак кишини чақира олишига имконият яратгандилар.

Рузвельт қулай креслода жойлашиб, соатига қаради. У бир-икки дақиқадан сўнг Гарри Гопкинс ёки Америка элчиси кун тартибининг келаси ғақида ахборот бериш учун ҳузурига келишига имони комил эди.

Чиндан ҳам кўп ўтмай эшикни кимдир тақиллатди. Бўсағада ҳудди ўша Майк Рилли турардн.

— Сизга келдилар, сэр!— деди у қандайдир бўшашда, — эслади ҳозир Рузвельт, — мен майнинг гап оҳангига асло эътибор қилмаганман).

(Давоми бор).

—9—

— Ким!— сўради президент, —Элчими! Гопкинсми!

— Йўқ, сэр!

— У ҳолда айт, кейинроқ киришсин. Менинг муҳим ишларим бор. Бир соатдан сўнг конференция очиладн.

— Кўрқаманки, бу ҳам энг муҳим иш бўлса керак,— деди янада овозини пастлатиб Рилли.

— Қаттиқроқ гапирсанг-чи ахир! — ўдағайлаб берди Рузвельт,— ким ўзи келган!

— Сталин,— эшитилар-эшитилмас жавоб қайтарди Рилли.

...Кейин-чи, кейин нима бўлганди!

Рузвельт апил-тапил:

— Дарҳол таклиф эт, нега серраймб турибсан! — дегандн шекилли.

...Майк Рилли «Сталин» сўзини талаффуз этиб, президентнинг жавобини эшитгач, шартта ўзини четга олдн. Шундан сўнг Рузвельтнинг кўзи Сталинга тушди. Қаршисида ўрта бўй, курч гавдали одам турардн. Сталиннинг сочи қизғиш, чакаларига оқ оралаган, мўйлови қора эдн. Эгнида маршаллик погонлари бор ҳарбий форма. Президент фотосуратлар орқали Сталинни шундай формада кўп марта кўргандн.

«Сталинни кўрган заҳотнм нима қилган эдим!» — хотирага берилдн Рузвельт.

Шу заҳоти кресло таянчигига суянганини эсладн. Анчадан бери тик турмай қўйган президент бенхтиёр ўрнидан қўзғалгиси келиб кетганди. Сталин ночорлигини сездириб қўйган президентни аямоқчидай кресло томонга шарпасиз, аммо жадал бир-икки одим отдн.

— Мен сизни бу ерда табриклашдан хурсандман. Нихоят дийдор кўришдик.

Рузвельт ҳарбий формадаги кишн пайдо бўлганини сезмай қолдн. У Сталиннинг сўзларини дарҳол инглиз тилига таржима қилдн. У ёш эдн. Бу рус таржимон инглиз тилида жуда яхши гапирар эдн. Президент унн дарҳол таннди: қирқ иккинчи йил май ойида у Молотов билан

—10—

бирга Вашингтонга борган, фамилияси Павлов эдн шекилли.

— Биринчи бўлиб мен сизни знёрат қилишим керак эдн,— юзида табассум билан жавоб қайтарди Рузвельт, — энди мен аввало сизга кўрсатилган меҳмоннавозлик учун ташаккур изҳор қилмоқчиман.

Сталин бу ерда ҳамма нарса жойидамн, ҳаммаси тартибдамн эканига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай, хонани диққат билан кўздан кечириб чиқдн. Кейин деди:

— Сиз билан бир неча дақиқа бирга бўлишга ижозат берасизми! — Унинг овози мулойим, осойишта эдн.

— Сизни кўриш иштиёқим шу қадар кучли эдики, маршал, унн дақиқалар билан ҳам, соатлар билан ҳам ўлчаш мумкин эмас.

«Ўша биринчи учрашув вақтида нималар ҳақида гаплашилган эди!» — хотирладн ҳозир президент. Руслар, албатта, бу суҳбатнн тарнх учун сақлайдилар — Павлов ўз блокнотида тез тез, эҳтимол стенографик ёзувлар қилгандир. Рузвельт ўшандаги учрашувда рус тилини аъло даражада билганган Чарлз Болен иштирок этмаганидан афсусланди. Сталиннинг ташрифи шу қадар ногоҳонй бўлган эдики... Боленни огоҳлантиришга улгурмадилар. Ўзининг шахсий таржимони иштирок этишини қистамаган Рузвельт бу билан руслярга тўла-тўкис ишончшлигини таъкидламоқчи бўлган ҳам эдн.

Лекин ҳозир президент ўшанда Боленни чақиртирмаганидан афсуслана бошладн. Сталин билан суҳбат жуда муҳим эдн, унн бутун икир-чикирларигача хотирада тиклаш, конференция столи атрофидаги суҳбатларнн тиклашга президент ожиз эдн.

Рузвельт Сталиндан совет-герман фронтидаги аҳвол тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдн. Сталиннинг жавобини Рузвельт яхши эслайди. Маршал, совет қўшинлари муҳим темир йўл шахобчаси Житомирни ташлаб чиққанларини айтдн.

Сталин Қизил Армиянинг ютуқларидан эмас— қирқ учинчи йилда бу ютуқлар маълум эдн — муваффақиятсизликлардан бошлаганлнги факти президентнинг хотирасида мустаҳкам жойлашиб қолдн. Бу ўша вақтда жуда ёқимли таассурот эдн — демак, Сталин унга ишонади ва очиқ гаплашишга мойил. Аммо Сталиннинг суҳбат оҳанги президентга янада кучлироқ таъсир қилдн — ҳеч қандай драматизм, фронтдаги муваффақиятсизликларнинг аҳамиятини бўрттирнш ҳам, камситиш ҳам йўқ. Бу одамнинг дилнни қандай ҳис-туйғу эгалламасин, у енгилишлар ҳақида ошкора, ваҳимасиз, ғалабалар ҳақида эса мақтанчоқликсиз гўё ўз-ўзидан маълум, уруш кундалиги деб гапирнш қобилиятига эгадек туюларди. Унинг ўзини тута билиши ҳар қандай такаббурликдан холи бўлиб, Сталин Рузвельт билан барча куч-ғайратнни сафарбар

—11—

қилишни талаб қиладнган бир хилдаги мураккаб нишга жалб қилинган ўз ҳамкасби билан гаплашгандай суҳбатлашдн. Ва яна Сталин мулойим, хушмуомала, хайрнхоҳ эдн. Ниҳоят Рузвельт билан учрашув амалга ошганндан у шубҳасиз хурсанд эдн, аммо ҳеч қандай ортиқча шодлик туйғуси изҳор қилмадн.

Президент совет-герман фронтидагн 30—40 немис дивизияларнни чалғитмоқчилигини айтдн. Сталин «бу яхши бўлардн» дедн. У умуман камгап эдн. Кейин нима бўлдн! Ҳа, улар кейин урушдан кейнгн савдо флотини тақсимлаш муаммоси хусусида гаплашдилар: президент Қўшма Штатлар Россиянинг савдо кемаларн тўғаноқсиз сузишнга ёрдам қилишни мўлжаллаётганини айтдн.

«Нима ҳам дердик, бу ёмон бўлмас эдн». «Бу яхши бўлардн», Сталин бнрор нарсанн маъқуллаганда ҳеч қандай завқланмас, бнрор нарсага эътироз билдирганида ҳеч қандай жиззакилнкка бормасдн. Яна Совет Иттифоқи уруш тугаши билан энг асосий ҳом ашё материалларн манбанга айланишн тўғрисида ҳам гаплашдилар. Рузвельт ўзининг Чан Кайши билан учрашганини тилга олдн, бунга жавобан Сталин «Чан Кайши умуман ёмон жанг қиляптн», дедн.

Кейин Ҳиндистоннинг тақдирн ҳақида, Бирма, Малая, Ҳиндн-Хитой ва Индерланд Ҳиндистони халқларини ўз-ўзини бошқаришга тайёрлаш зарурати ҳақида гаплашдилар. Рузвельт аксилмустамлакачи сўзларн билан Сталинни ўзига мойил қилмоқчи эдими! Ҳозир президент холи тарзда хотираларга берилркан ўша момент кам аҳамиятга эга бўлмаганини тушунди.

...Рузвельт яна нималарни эсда сақлаб қолганди! Англия ўз мустамлакаларидан, биринчи галда Ҳиндистондан маҳрум бўлади деб хавфланган Черчиллга асло хайрнхоҳ эмаслигини ўшанда Сталиндан яширмаган эдн.

Совет маршали осойишта ва эҳтиёткорона киноя билан «албатта Черчилль бундан хурсанд бўлмайди» ва «Ҳиндистон бу Черчиллнинг қалтис жойи», деди. Совет маршали билан суҳбат бир соатча давом этдн. Кейин Сталин ўрнидан турнб, президентнинг шунча вақтнни олгани учун узр сўради, ўзаро келишув бўйича соат тўртда конференциянинг биринчи мажлисини бошлаш мўлжалланаётганини эслатдн. Айни вақтда у президент учун бу ортиқча қийинчилик туғдирмайдими деб сўради. Рузвельт бунга жавобан конференциянинг юксак мақсадларн йўлида ҳар қандай оғирчиликларга ҳам тайёрлигини айтдн.

Сталин қўлларнни узатмай, илтифотли таъзим бажо келтиргач, эшик томонга йўл олдн...

Нур сўндн. Рузвельт яна Уорм-Спрингзда

—12—

«Кичик Оқ уй»даги ўзининг кабинетида ўтирарди. Унинг кўзи олдида устн бўш ёзув столи, унинг устида кичкина қоғоз тўғри бурчак, марка. Ярми одам, ярми шер шаклидаги сфинкс. Минглаб йиллар мобайнида ҳеч ким унинг сирини очолмаган.

Хўш, у, Рузвельт Сталиннинг сирини оча олдими! Умуман бу сир мавжуд эдими! Ёки одамлар шунчаки тўқиб чиқарганлармн! Аслида одамлар кўпинча ақлларн ва билимларн етмаганн оқибатида тушунмаган нарсаларнни «мистик сир» деб эълон қиладилар.

Теҳрондан қайтганндан сўнг президент учун «Сталин сирларн» деган нарса барҳам егандай бўлдн. Улар бир бирларига маъқул бўлдилар, у капиталнст, бегона, ҳатто Сталинга душман бўлган дунёдан келган кишн коммунист билан дўстлаша олдн, чунки у билан чин қалбдан гаплашдн ва Сталин Рузвельтдан нима эшитишни хоҳлаган бўлса, Рузвельт ўшанн айтдн...

Тўсатдан Рузвельт ўзига «Шундаймн!» дея савол берди.

У Сталиннинг ўзига мойиллигига гувоҳлик берувчи хотирасидаги эпизодларнн қайта-қайта эсладн... Ҳамма конференция залига кирган заҳоти совет раҳбари билан кўришишни ўз бурчи деб ҳисобларди. Рузвельтнинг коляскаси пайдо бўлганн ҳамоно Сталин унинг коляскаси сари ўзи борди. Рузвельт совет элчихонасига келишн биланоқ Сталиннинг унинг ҳузурига ташрнф буюрншн Сталиннинг Рузвельтнн Черчилль билан тенг кўрмаслигини исботламайдимн!

Аммо совет маршалининг фалаж бўлган президент ҳузурига биринчи бўлиб келганлигига қандайдир алоҳида маъно берншнинг ўрни бормикан! Рузвельт яна Сталиннинг бошқа бир америкалик биринчи бўлиб совет раҳбарн ёнига келишини кутиб ўтирмай, ўша одам ҳузурига тез интилиб, у билан ошкора қўл олишганини эсладн.

Ўша одам Гарри Гопкинс эдн.

Рус тилидан

Ҳамдам АЛИМТОЕВ таржимаси.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

30 МАЙ, 1984 й.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация никкиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи,** (Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган), **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир мунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй. (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ 243-ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ 121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, авиа двигателлари бўйича слесарь, учиш аппаратлари усунаалари бўйича электромонтажчи, механика йиғув ишлари бўйича слесарь, токарь, газэлектр пайвандчи.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

Билим юрти юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА ТОШКЕНТ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини тугатганлар граждан авиацияси 243-авиаремонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси бўлимларида ҳамда шаҳардаги бошқа корхоналарда ишлайдилар.

Билим юртини битирганлар отпуска даврида самолётда учиш учун имтиёзли билет ва граждан авиацияси ходимлари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

3 йил ўқийдиганлар ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва граждан авиацияси учиш формаси билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиганларга ўқиш даврида ҳар ойда 88 сўмдан 80 сўмгача стипендия берилади. Бошқа шаҳардан келган ўрта маълумотлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга ётоқхона берилмайди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга ўқишга юборилади.

Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Алмасозлар шаҳарчаси, (39, 25, 61, 66, 111 автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 20, 10-трамвайларнинг «Транспорт института» бекатлари). Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-46.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10-синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) қабул ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/V да **Тўмарис**, 31/V да **Пиковая дама**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/V да **Зебунисо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/V да **Лайли ва Мажнун**, 31/V да **Тошкентликлар**.

кино

30 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Восток, М. Шайхзода номли, Ҳамза номли ва бошқаларда — ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ VIII ЖАҲОН КИНОФЕСТИВАЛИ ФИЛЬМЛАРИНИНГ КЎРИГИ.

«БЎРИ УЯСИ» — **Тинчлик** (16, 18.30, 21.00, телефон 58-36-06).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, МАЙОР ҚАРДОШ!» — **ВЛКСМ** 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-37), **К. Ёрматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-23-66).

Фрунзе районидаги 3-болалар поликлиникасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трестининг 441-болалар боғчаси маҳаллий комитетининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


Илмий-техника жамияти Ўзбекистон республика советининг бухгалтерия ҳисоби ва анализи бўйича комитети, Тошкент техника уйи ва Тошкент халқ хўжалик институти

БУХГАЛТЕРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРАДИГАН ҚУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ

Курсларда машғулотлар 1 июндан 5 июлгача ўтказилади.

33-72-57, 33-28-18 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

БОЛАЛАР НИМАНИ ОРЗУ ҚИЛИШАДИ?..



УЗОҚ МАМЛАКАТЛАР, КОСМИК ПАРВОЗЛАР, ОЛИС ДЕНГИЗ САЁҲАТЛАРИНИ ҚУМСАЙДИЛАР.

БУ ҲОЗИРЧА ОРЗУ ХОЛОС, КИМ БИЛАДИ, БАЛКИ УЛАР ҚАЧОНДИР АМАЛГА ОШИБ ҚОЛАР?

Бугунги кунда эса болаларимиз у ёки бу нарсаларни ясашни ўрганишяпти. Улар «КОНСТРУКТОР»лар таркибига кирувчи деталлардан кемалар, самолётлар, машиналар ва ҳатто бутун бошли ракета комплексларини йиғишмоқда. Ҳа, ҳайратланманг, махсус «Конструктор-ракета учирувчи» бор. У космик кемаларни, планеталараро станциялар ва ернинг сунъий йўлдошлари Совет ракета-учирувчиларининг моделларини йиғишга мўлжаллан-ган.

«ЮНИЙ ТЕХНИК» МАГАЗИНИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ

БУ ЕРДА СИЗГА ТУРЛИ ХИЛ «КОНСТРУКТОР»лар ВА ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТИШАДИ.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Большевик кўчаси, 6-«а» уй.

ЯНА БИР ЁШ УЛҒАЙДИК БИЗЛАР...

Болаларимизнинг яна бир ўқиш йили тугади. Айни кунлардаёқ уларнинг кўпчилиги пионер ва спорт лагерларига, туристик походларга отланмоқдалар. Болаларни сафарга чиқишга тайёрлар экансиз, шуни ёдда тутингки, уларга энг аввало пионер ва спорт формалари лозим бўлади. Шу билан бирга уларга кўйлаклар, юбкалар, шимлар, бир сўз билан айтганда, ҳар куни қийиладиган либослар керакдир.

Байрам либоси ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш зарур. Бунинг учун сунъий ва ацетатли ипак газламалар жуда қўл келади. У яхши ювилади ва дазмолланади.

Юбкалар учун хилма-хил фасонлар мавжуд, аммо қизларга пастки қисми бироз кенгроқ тарзда ёки бурма қилиб тикилганлари, айниқса ярашади. Юбкага мос равишда чиройли блузка тикиб, уни кичик ёқа, бурмалар, тўр, плиссе ёрдамида ёки газлама тусига мувофиқ кашта тикиб безанг. Юбка ва кўйлак тикиш учун майда ва йирик катакли, йўл-йўл ва майда гулли газламалар—оммавий эътиборга сазовор.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАҚАНА-САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИДА

газламалар ва тайёр кийимларни:

турли фасонда ип ва ип-газламадан тикилган кўйлаклар;

турли размердаги юбкалар, шимлар, сарафанлар, костюмларни

ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН

БОЛАЛАРГА КИЙИМ СОТИБ ОЛАРКАНСИЗ, УЛАРНИНГ ЁШИГА КЎПРОҚ МОС БЎЛГАНЛАРИНИ ТАНЛАНГ. БОЛАЛАРНИ КАМТАР, ОРАСТА,ТАРТИБЛИ БЎЛИШГА ЎРГАТИНГ, НОЗИК ДИДНИ ОНГИГА СИНГДИРА БОРИНГ.



«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАҚАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

СИЗЛАРГА АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИШИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШДА ҚАТНАШИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ:

сизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлимининг номери

_____

сиз фойдаланаётган алоқа бўлимининг ишлаш тартиби сизни қаноатлантирадими: иш бошланиши

_____

тушлик танаффус _____

иш кунининг тугаши _____

дам олиш куни _____

СИЗ ЁЗИЛГАН ГАЗЕТАЛАРИНГИЗНИ ҚАЙСИ ПАЙТДА ОЛАСИЗ:

марказий _____

маҳаллий _____

Сизнинг адресингизга хат-хабарлар ва матбуот нашрларини етказиб берувчи почтальоннинг иши тўғрисида қандай эътироз ёки мулоҳазаларингиз бор?

Алоқа бўлими ёки почтамт сизга хизмат кўрсатиш борасида маданий ва иш сифати қисми бўйича қандай эътирозингиз бор?

Сизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлимининг индекси ва номерини дўстларингиз ва танишларингизга маълум қилганмисиз? Жўнатилаётган почта жўнатмаларида қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг индексини ёзиб кўрсатасизми?

Сиз хатларни фақат стандарт размерли 114х162 мм, 162х 229 мм, 229х324 мм размерли конвертларда юбориш лозимлигини биласизми?

Сизнинг хонадонингизда номер белгиси борми ва у қоронғи тушиши билан ёритилиб турилядими?

Шаҳар аҳолисига алоқа воситалари билан хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган қандай таклиф ва истакларингиз бор?

СИЗНИНГ ЭЪТИРОЗ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА АЛОҚА ХОДИМЛАРИГА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

нинженер-технологлар, нинженер-конструкторлар, токарлар, фрезерчилар, токарь-автоматчилар, агрегат станоклари ва автоматларини созловчилар, қолипчилар, қуймаларни кесувчилар, штамповкачилар, металл қирқувчилар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, пайвандловчилар, ётоқхоналарнинг комендантлари, технологлар, цех бошлиқлари, молия ва асбобсозлик бўлимларининг бошлиқлари.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА

йўл монтёрлари, тоннель ишчилари (бўёқчилар, сувоқчилар), **слесарлар, санитария-техника ускуналари бўйича электриклар, пул майдаловчи автоматларнинг операторлари, ишлаб чиқариш бинолариниг фаррошлари, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича мастерлар ва слесарлар, электромеханиклар, локомотив машинистларининг ёрдамчилари** (ҳайдаш ҳуқуқи билан).

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА

сотувчилар, бухгалтерлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

инженер-конструкторлар, инженер-технологлар, газ-электр пайвандчилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-асбобсозлар, слесарь-ремонтчилар, фрезерчилар, токарлар, созловчи-йиғувчилар, электромонтёрлар, кўкаламзорлаштирувчилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

бинт ўраш ускунасига хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, суртладиган кремларни тортиб тюбикларга соладиган ускунага хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, лаборатория ишлари учун слесарь, инженер-механик, энергетик, химиклар, упаковкачилар, қирқувчилар, ампулаларни қараб чиқувчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Марке кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ТВ

ЧОРШАНБА

30 МАЙ

● МТ I

18.00 «...16 ёшгача ва ўқитувчилар».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Европа чемпионатларга бағишланган ҳандбол шарҳи.
19.45 Мультфильм.
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 1-қисм. Фильмнинг шу номли романсида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Спорт ҳафтаси».
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 Санъат устасларига концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50—20.30 Футбол бўйича Европа чемпионатига ва ЧССР—Испания терма командалари. 2-тайм.
20.45 Халқ куйлари.
21.00 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари» визион бадиий премьераси. 3- ва 4-лар.
23.45 Волейбол бўйича турнир. Хотин-қизлар. —ХХР терма командаси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.35 «Пионерлар мамлакати».
19.05 «Мўъжизалар куни». концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Партия турмуши». Дарё область Ленин район партия комитетининг услуби ва методлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси қамров районларида ишлаётган ижросида Ўзбекистон халқ артистларининг концертлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда». Халқаро аҳвол кўзгуси.
22.20 «Қизил олма». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

31 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ старт».
10.25 «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 1-серия.
12.00 «Азизларим». Телефильм.
12.25 «Тоғлар қўйнидаги концерт.
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Москва комсомоли ишлари».
16.45 «Пушкин шеърияти да». 2-кўрсатув.
17.35 К. Дебюсси. Прелюдлар.
18.15 «Шахмат мактаби».
18.45 Халқаро болалар кўнилиш кунига бағишланган «Ёз даври».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ёшлар университети».
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 Оқшом тароналари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 «Бахор байрами» концертидан олиб кўрсатилади.
19.45—20.30 «Биз БАМни қурмиз».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Гуллаб турган ораларахти ёқалаб». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари» визион бадиий премьераси. 5 ва 6-лар.
23.35 Спорт кўрсатуви.

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз» (такрорий).
18.35 «Ёшлик» студияси ҳақида. «Свинг замонда».
19.00 «Бузилмас иттифоқ» ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион дастурлари. Туркманистон телевидениесининг программаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ» манистон телевидениесининг программаси (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли давлат консерваториясининг чангчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Осиё, Африка ва Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент фестивали.
23.05 Янгиликлар.

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси коллективи босма ишлар бошлиғи А. Мирзаев вафоти эътиборли кишининг ҚЎҚИЛ МИРЗАЕВнинг вафоти эътиборли кишининг билан чуқур таъсирланиб қилади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

30 МАЙ, 1984 й. Р—12289. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10